



*Қадр-қимматим, таянчим ва
ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!*



Наманган вилояти:

ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ТАНТАНАСИ

2

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

Сиёсий билимдон етақчилар

партиянинг таянчи ва
суянчидир

Навоий вилоятида «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиларининг касбий салоҳиятини ошириш мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, маҳаллий партия кенгашлари фаоллари ва «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари иштирок этди.

Тадбир «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб этишда янги сиёсий технологияларни самарали қўллашга қўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Ўқув машғулотида давомиди ЎзХДП дастурий мақсадлари, ўтказилаётган тадбирларнинг савияси ва қанот етакчиларининг бу борадаги қўшимчаларини ривожлантириш ма-

салаҳиятига эътибор қаратилди. Шунингдек, иштирокчиларга партиянинг ёш аъзолари билан ишлаш, «Ёш сиёсатчилар» клуби фаолиятини янада такомиллаштириш механизмлари тушунтирилди.

— Партияимиз тизимида ёшларнинг сиёсий фаоллиги ва ижтимоий-иқтисодий билимларини ошириш, мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, — дейди «Қишлоқ-ёшлар» ОАЖ ишчиси, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзоси Дилшода Орзикулова. — Ёшлар партиянинг эртанги таянчи ва суянчидир. Бугунги семинар-тренинг эса бу борада айни муддао бўлди.

Семинарда, шунингдек, қанот етакчиларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш масалалари ҳам муҳокама этилди. Билдирилган тақлифлар асосида «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиларига тавсиялар берилди.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ўрни

Демократик ислохотлар тобора чуқурлашиб бораётган ҳозирги шароитда маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ҳам мустаҳкамланаяпти. Маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан Оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жамиятда инсонпарварлик тамойилларини мустаҳкамлаш, миллий урф-одатларимизни турли ҳужжатлардан асраб-авайлаш борасидаги устувор вазифалар мавзусида матбуот анжумани ўтказди. Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви мутасаддилари, ҳамкор ташкилотлар, фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирок этди.

— Юртимизда инсон ман-

фаатини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар АХМЕДОВ. — Мазкур жараённинг фаол иштирокчиси сиёсий ҳаётда ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалланинг нуфузи тобора ортиб бораёпти. Айниқса, оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда унинг таъсир кучи сезиларли даражада ошди. Жо-

рий йилнинг ўтган 9 ойи давомида фонднинг ҳудудий бўлими ва бўлимчалари томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида 600 дан ортиқ кам таъминланган оилага қорамол олиб берилди. 7 мингдан зиёд кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига 650 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, анжуманда жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига бўладиган сайловларни юқори савияда ташкил этиш бўйича «Маҳалла» фонди томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида журналистларга ахборот берилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Иродаси мустаҳкам одамлар



ҳаётда ўз ўрнини
топмоқда

3

Келажакнинг мустаҳкам пойдевори



Фарзандларимизни жисмонан соғлом, иродали, ватанпарвар этиб тарбиялашда, уларда ғалаба ва мақсад сари интилиш фазилатларини камол топтиришда спорт муҳим

4

Мамлакат экспорт салоҳиятининг ортиши

иқтисодиётни
юксалтиради,
иш ўринлари
барқарорлигини
таъминлашга
хизмат қилади

4

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ

партия электорати
манфаатларини ҳимоя этиш
ҳамда ижро ҳокимиятининг
масъулиятини оширишга
хизмат қилиши зарур



www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси

Депутатлик гуруҳлари томонидан ўтган йили жойларда аҳоли бандлиги билан боғлиқ **364** та масала ўрганилди. Улардан **116** таси партия гуруҳларининг йиғилишларида, **81** таси доимий комиссиялар мажлисларида муҳокама этилди, **67** масала эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига киритилди.

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220



ЎзХДП САЙЛОВЛАРИ ДАСТУРИДА

аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш, қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш масаласи асосий вазифалар қаторида белгиланган.

Партиянинг мазкур йўналишдаги фаолиятини таҳлил этиш мақсадида ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида давра суҳбати ташкил этилди.

Бу ҳақда газетамизнинг
навбатдаги сонларидан
бирида ўқийсиз.

